

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ

ХАКИМОВА ДИЛАФРУЗ ЙЎЛДОШБОЙ ҚИЗИ

ФЕРРОҚОТИШМАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚЎЛЛАШ УЧУН
МАРГАНЕЦЛИ РУДАЛАРГА ФИЗИК-КИМЁВИЙ УСУЛЛАР
БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ ОРҚАЛИ МАРГАНЕЦЛИ
КОМПОЗИЦИОН КОНЦЕНТРАТЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
(техника фанлари)

05.02.01 - Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси
(техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хакимова Дилафруз Йўлдошбой қизи

Ферроқотишмалар ишлаб чиқаришда қўллаш учун марганецли рудаларга физик-кимёвий усуллар билан ишлов бериш орқали марганецли композицион концентратларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Хакимова Дилафруз Йўлдошбой қизи

Разработка технологии извлечения марганецсодержащих композиционных концентратов путем физико-химических методов обработки марганецсодержащих руд для применения в производстве ферросплавов..21

Xakimova Dilafruz Yo'ldoshboy qizi

Development of technology for the extraction of manganese-containing composite concentrates by physico-chemical methods of processing manganese-containing ores for use in the production of ferroalloys.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ «**ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ**» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ «**ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ**» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ

ХАКИМОВА ДИЛАФРУЗ ЙЎЛДОШБОЙ ҚИЗИ

ФЕРРОҚОТИШМАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚЎЛЛАШ УЧУН
МАРГАНЕЦЛИ РУДАЛАРГА ФИЗИК-КИМЁВИЙ УСУЛЛАР
БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ ОРҚАЛИ МАРГАНЕЦЛИ
КОМПОЗИЦИОН КОНЦЕНТРАТЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
(техника фанлари)

05.02.01 - Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/T4817 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар: **Негматов Сайибжон Садикович**
техника фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги,
Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби

Пирматов Рашид Хусанович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Толибов Бегзод Иброхимович**
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Бердиёров Бахриддин Тиловқабулович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «19» ноябрь соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: www.gupft.uz «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1-25-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати 2025 йил «08» ноябрь куни тарқатилди.
(2025 йил «07» январдаги №1-25 -рақамли реестр баённомаси).

Т.О. Камолов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, т.ф.д., к.и.х.

М.Э. Икрамова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

Н.Х. Талипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда металлургия корхоналарида пўлат қотишмаси асосида олинадиган деталларнинг физик-механик ва технологик хоссаларини яхшилашда, уларнинг антикоррозион хоссалари, эгилувчанлиги ва ейилишбардошлилигини оширишда, юқори сифатли конструкцион материалларни олишда ҳамда маҳсулотларнинг таннархини арзонлаштиришга имкон берадиган легирловчи элемент сифатида ишлатиладиган марганец концентратига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бу борада, жумладан Дауташ кони марганецли рудаларининг ҳозирги ҳолати, руда таркибидаги марганецни моддий ва кимёвий таркибларини аниқлаш, марганец концентратини ажратиб олиш усулини ишлаб чиқиш, марганецли рудаларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш ва рудалардан марганец концентратини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда пўлат қотишмаси асосида юқори сифатли конструкцион материаллар ва деталлар олиш учун таркибига 70 % гача лигерловчи марганецли бирикма, яъни ферросиликомарганец қўшилади. Шу муносабат билан марганецли хомашёлардан марганец концентратини ажратиб олиш усулини ишлаб чиқиш, марганецли концентратларни физик-кимёвий ва технологик хусусиятларини аниқлаш, марганец концентратларни ажратиб олишнинг самарали ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиб ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулотларнинг янги ассортиментларини яратиш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, юқори физик-механик ва технологик хусусиятларга эга бўлган сифатли қотишмаларни олишда қўлланиладиган марганец концентратини ажратиб олишнинг комбинациялашган ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда юқори физик-механик ва технологик хусусиятларга эга бўлган сифатли пўлат қотишмаларни олиш ҳамда улардан тайёрланиладиган деталларнинг самарадорлигини ва мустаҳкамлилигини ошириш мақсадида ҳамда марганецли концентрат асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегиясида «...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, қотишмаларнинг мустаҳкамлигини, эгилувчанлиги ва чидамлилигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60-сонли Фармони

оширишда қўлланиладиган марганец концентратини ажратиб олиш технологиясини ҳамда улар асосида ферроқатишмалар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги №ПҚ-4731-сон “«Олмалиқ КМК» АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 24 июндаги №ПҚ-5159-сон «Кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Metallургия саноатининг ривожланишига, қора ва рангли металлларни, хусусан марганец концентратларини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича ўзларининг илмий тадқиқот ишлари билан улкан хисса қўшган маҳаллий ва чет эл олимларидан Ф.И. Вольфсон, В.С. Чекунов, С.Д. Макаров, И.Д. Капустянский, С.Л. Орлов, С.В. Мамонов, Ю.Л. Шатайлов, М.А. Фишман, А.А. Абрамов, Х.Т. Шарипов, С.А. Абдурахмонов, С.С. Негматов, С.Т. Жонқобилов, М.Т. Шодикулов, А.С. Хасанов, Р.К. Ахмедов, Б.Р. Каримов, Х.С. Сабиров ва бошқалар.

Мавжуд ишларни таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш керакки, Дауташ кони марганецли рудаларининг кимёвий ва моддий таркибини ўрганиш, рудадаги марганецнинг миқдори камлиги сабабли унинг концентратини ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқиш, олинган концентратни пўлат қотишмалари ва конструкцион материаллар ишлаб чиқаришда қўллаш усуллари аниқлаш бугунги кунгача хали тўлиқ ўз ечимига эга эмас. Шу сабабли, ўрганилган маълумотларнинг таҳлили асосида Дауташ кони марганецли рудаларининг минералогик, кимёвий ва моддий таркибини аниқлаш, уларни қайта ишлашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш, қотишмалар ва улар асосидаги деталларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган марганецли концентратларни ажратиб олишнинг комбинацияланган усулини ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш каби масалаларга мазкур диссертация иши бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-5-141 “Конструкцион,

инструментал ва бошқа лигирланган пўлат ва қотишмаларни ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш саноати чиқиндилари ва камёб металлларга бой бўлмаган оксидланган рудалардан ферроқотишмалар олиш самарали технологиясини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ферроқотишмалар ишлаб чиқаришда қўллаш учун марганецли рудаларга физик-кимёвий усуллар билан ишлов бериш орқали марганецли композицион концентратларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Дауташ кони марганецли рудаларининг минералогик, кимёвий ва моддий таркибини аниқлаш;

марганецли рудалардан марганецли концентратларни ажратиб олишнинг комбинацияланган усулини ишлаб чиқиш;

олинган марганецли концентратларнинг физик-кимёвий, механик ва технологик хусусиятларини аниқлаш;

металлургия корхоналари учун марганецли концентратлари асосида ферроқотишмалар ишлаб чиқаришнинг оптимал технологик жараёнларини аниқлаш;

Дауташ кони марганецли рудаларидан марганец концентратларини ажратиб олиш орқали ферроқотишмалар ишлаб чиқаришни ресурстежамкор технологиясининг техник–иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Дауташ кони марганецли рудалари, ферроқотишмалар, охактош, кварцит, кокс ва бошқа қўшимчалардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети марганецли рудалардан концентратларни ажратиб олиш жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганиш ва ферроқотишмалар асосида олинадиган деталларнинг ишлаш қобилиятларини, мустаҳкамлигини, эгилувчанлиги ва бошқа технологик хоссаларини яхшилашини таъминлаши ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида дифференциал термик таҳлил (ДТТ), рентген флуоресцент таҳлили, энергодисперсион спектрометр, термик таҳлиллар, сепаратор 2 ПСБ – 90/250А, грохот ТК8-32-2V, жағли тегирмон, лазерли анализатор ва бошқа таҳлилнинг стандарт усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Дауташ кони марганецли рудалари минералогик таркибига кўра табиатда асосан псиломелан – вернадитли ва пиролюзит – псиломеланли шаклда бўлиши аниқланган;

марганецли рудалардан марганецли концентратларини ажратиб олишда содир бўладиган кимёвий жараёнларнинг механизмлари асосланган;

таркибида 60-68% гача марганец бўлган марганецнинг сифатли

концентратларини ажратиб олиш учун рудани майдалаш, ажратиш, қайтариш, куйдириш ва куюндини кислота эритмасида танлаб эритиш каби босқичларидан ташкил топган комбинирланган усулни қўллаш тавсия этилган;

Дауташ кони марганецли концентратлари асосида ферроқотишмалар ишлаб чиқаришнинг оптимал технологик режимлари аниқланган ва ресурстежамкор технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори физик-кимёвий ва технологик хусусиятларга эга бўлган марганец концентратини ажратиб олишнинг комбинациялашган оптимал усули ишлаб чиқилган;

ҳар хил концентрацияли марганец концентратлари асосида ферроқотишмалар ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги физик-кимёвий ва физик-механик таҳлилнинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда, марганец концентратлари ва улар асосидаги ферроқотишмаларнинг физик-кимёвий ва технологик хусусиятларини комплекс ўрганишда бажарилган бир нечта лаборатория ва саноат тажрибалари натижаларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, марганец концентратининг тури ва ферроқотишмалар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган компонентларнинг миқдори ҳамда нисбатларига, шунингдек технологик омилларга қараб, компонентлар орасидаги корреляцион боғланиш қонуниятларини ўрганиш ва аниқлаш орқали сифатли пўлат ишлаб чиқариш учун самарали марганец концентратларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори физик-механик хусусиятларга эга ферроқотишмаларни ишлаб чиқариш учун марганец концентратларини ишлаб чиқаришнинг янги комбинирланган усулини яратиш, пўлат қотишмалардан ясаладиган деталларни сифатини ва самарадорлигини ошириш мақсадида марганец концентратлари ва улар асосидаги ферроқотишмаларни ишлаб чиқаришнинг янги ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ферроқотишмалар ишлаб чиқаришда қўллаш учун марганецли рудаларга физик-кимёвий усуллар билан ишлов бериш орқали марганецли композицион концентратларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Дауташ кони рудаларидан марганец концентратини ажратиб олишнинг комбинирланган усули “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехида амалиётга жорий этилган (“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ нинг 2024 йил 17 декабрдаги №01-02-5 ХХ-24-12-01-67 – сонли маълумотномаси). Натижада, марганец

концентратларининг сифатини 60-68% гача ошириш имконини берган;

ишлаб чиқилган марганецли композицион концентратлар “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехида ферроқотишмалар олиш жараёнида амалиётга жорий этилган (“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ нинг 2024 йил 17 декабрдаги №01-02-5 ХХ-24-12-01-67 – сонли маълумотномаси). Натижада, олинадиган ферроқотишмаларни сифатини яхшилаш ва марганецли композицион концентратларни сарфини 1,0-1,2 мартага камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та конференцияларда, шу жумладан 6 таси республика илмий-амалий ва 2 таси халқаро конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та иш эълон қилинган. Шулардан 7 таси илмий мақола бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатсия комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш келтирилган, натижаларнинг апробацияси, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Марганецли рудаларни замонавий ҳолати, уларни таҳлили ва тадқиқотнинг вазифалари”** деб номланган биринчи бобида металлургия корхоналарида пўлат қуйишда қўлланиладиган марганец таркибли рудаларнинг ҳозирги ҳолати ва уларнинг таҳлили, Дауташ конининг марганецли рудаларининг ҳозирги ҳолати ва металлургия корхоналари учун марганецли композицион концентратлар олишнинг мавжуд технологик жараёнларини, марганецли рудалардан ферроқотишмалар олишнинг мавжуд усуллари ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган марганецли композицион концентратларни ферроқотишмалар олиш жараёнларида қўллаш соҳасидаги адабиёт манбаларини таҳлил қилиш борасидаги тадқиқотлар ёритилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг объектлари ва уларни ўрганиш усуллари танлаш ва асослаш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектини танлаш ва уларни марганецли композицион концентратларни


ишлаб чиқишда қўллаш имкониятларини асослаш, металлургия корхоналарида пўлат қуйишда қўлланиладиган маҳаллий хомашёлар асосидаги таркибида марганец бўлган композицион концентратлар олиш усули ва олинган марганецли композицион концентратларнинг физик-кимёвий, механик ва технологик хоссаларини ўрганишнинг МДХ мамлакатларида рухсат этилган усуллари, ишлаб чиқилган марганецли композицион концентратлар асосида ферроқотишмалар олиш усули ва экспериментал тадқиқотлардан олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш усуллари ва уларнинг натижалари батафсил ёритилган ва асосланган.

Диссертациянинг “**Дауташ конининг марганецли рудаларининг таркиби ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш**” деб номланган учинчи бобида Дауташ конининг марганец таркибли маъданларини технологик намунасининг моддий ва минералогик таркибини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Маълумки, Дауташ кони асосан учта: Кўксой, Сариқамиш ва Қизил-Байроқ участкаларидан иборат. Минералогик тадқиқотлар ҳам ушбу участкалардаги марганецли рудаларнинг технологик намуналарида ва бунда дастлабки намуналар майдаланган ҳолда ўтказилди.

Кўксой участкасининг асосий маъдан минераллари - вернадит, псиломелан ва пиролюзитдир. Тоғ жинсини ҳосил қилувчи минераллар, асосан, кальцит ва кварцдан иборат. Бундан ташқари, серицит, родохрозит ва дала шпатлари ҳам кўп учрайди. Марганец оксидлари ва гидроксидлари бир-бирининг ўрнини босади, шунингдек, таркибида марганец бўлган оксидлар ва гидроксидларнинг мураккаб аралашмалари, марганец бирикмаларининг оралик (ўткинчи) шакллари учрайди (1-4-расмлар). Шунингдек, рудада темир гидрооксидлари ва пирит кўп учрайди. Коксай участкаси намунаси айнан оксидланган марганец рудаларининг псиломелан-вернадит турига тегишли бўлиб, псиломеланга нисбатан вернадитнинг устунлиги билан тавсифланади. Пиролюзит-псиломелан минерал ассоциацияси кам микдорда учрайди.


Қуйида Кўксой участкаси рудасида учрайдиган асосий маъдан ва тоғ жинсларини ҳосил қилувчи минералларнинг тавсифи келтирилган.




Анш. №кт-2. 200х катталашган.
1-расм. Марганец гидроксидининг мураккаб аралашмаси



Анш. №597. 80х катталашган.
2-расм. Псиломелан-вернадит таркибли мураккаб аралашмадаги пиролюзит қолдиқлари



Анш. №597. 200х катталашган.
3-расм. Псиломелан-вернадит таркибли аралашманинг колломорф тузилиши



Анш. №597. 200х катталашган.
4-расм. Вернадитнинг ритмик-қатламли шакли

Маъданни ташкил этувчи минераллар рўйхати ва уларнинг нисбий миқдорий нисбатлари ҳамда минерал заррачаларининг ўлчамлари 1-жадвалда келтирилган. Минерал заррачаларининг ўлчамлари минералларнинг табиий ўлчамларига мос келмайди, чунки намуналарни майдалашда улар майдаланган.

1-жадвал

Кўксой участкасининг ўртача намунасидаги минералларнинг тахминий миқдорий нисбатлари, уларнинг заррачалари ва мономинерал агрегатлар ўлчами

№ п/п	Минералларнинг номлари	Минералларнинг формулалари	Миқдори, %	Минерал агрегатларнинг ўлчамлари, мм	
				от	до
Мн, Fe оксидлари ва гидрооксидлари					
1.	Пиролюзит	MnO ₂	38-40	0,005	0,8
2.	Псиломелан	mMnO _x MnO ₂ xnH ₂ O		0,01	1,8
3.	Вернадит	MnO ₂ xnH ₂ O		0,005	2,5
4.	Гетит+гидрогетит	HFeO ₂	~2	0,01	0,2
Сульфидлар					
5.	Пирит	FeS ₂	кам	0,005-0,05	
Карбонатлар					
6.	Кальцит	CaCO ₃	35-40	0,001	1,0
7.	Сидерит	FeCO ₃	0,1-0,2	0,001	1,0
8.	Родохрозит	MnCO ₃	кам	0,001	1,5
Тоғ жинсини ҳосил қилувчи минераллар ва бошқа силикатлар					
9.	Кварц	SiO ₂	10-15	0,5 гача яширин кристалли	
10.	Дала шпатлари (альбит, ортоклаз)	NaAlSi ₃ O ₈ -alb K[AlSi ₃ O ₈]-or	3-4	0,1 гача майда донадор	
11.	Серицит	KAl ₂ [AlSi ₃ O ₁₀][OH] ₂	кам	Ингичка тангачали	

Минераллар миқдори рудаларнинг минерал таркибий қисмларига силикат таҳлил натижаларини қайта ҳисоблаш орқали аниқланди ва шлифлар ва концентратлар таркиби бўйича тузатилди. Руда таркибидаги минераллар миқдори (%): марганец оксидлари ва гидрооксидлари - 38,42, темир гидрооксидлари - 1,97, кальцит - 35,48, кварц - 14,08, сидерит - 0,19,

родхрозит - 0,13, апатит - 1,02, пирит - 0,09, гематит - 0,01, рутил - 0,09, дала шпатлари - 3,26, серицит - 0,2, кўмир моддаси - 3,83% эканлиги аниқланди.

Худди шу тартибда Дауташ конининг Сарикамиш ва Қизил-Байроқ участкаларидан олинган марганецли рудаларнинг ўртача намуналарининг минералогик таркиблари аниқланди. Бунга кўра Коксой участкасининг марганецли рудаси оксидланган марганец рудаларининг псиломелан-вернадитли турига кириши ва псиломеланга нисбатан вернадит миқдорининг устунлиги билан ажралиб туриши аниқланди. Қизил-Байроқ участкасининг марганецли маъдани оксидланган марганецли маъданларга тегишли бўлиб, у асосан гематит билан пиролюзит-псиломелан минераллари ассоциациясидан иборат эканлиги ва бунда вернадит ва гетит пиролюзит-псиломелан минералларига нисбатан камроқ учраши аниқланди. Сарикамиш участкаси марганецли маъданларида эса марганец минераллари асосан пиролюзит-псиломелан ва унга бўйсунувчи псиломелан-вернадит минераллари кўринишида эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари марганецли маъданлар намуналарининг моддий таркиблари ҳам аниқланди. Бунга кўра, дастлабки намунанинг моддий таркиби гравиконцентратлар, гравитация қолдиқлари, шунингдек, ушбу маҳсулотлар ва ўртача намунадан тайёрланган сунъий шлифлар ва аншлифларнинг минералогик таҳлили асосида аниқланди. Намуналар ва уларнинг маҳсулотларининг кимёвий таркиби алоҳида компонентларга ажратилиб, тўлиқ силикат ва кимёвий таҳлиллар орқали аниқланди. Намуна ва гравобойитиш фракцияларининг элемент таркиби эса сепиш усули билан спектрал таҳлил орқали аниқланди.

Коксой участкаси марганецли рудасининг моддий таркибини ўрганиш учун шоколадли-кўнгир, тўқ жигарранг рангли ўртача намунаси майдалаб олинди. Силикат таҳлил натижаларига кўра ўртача намунада MnO миқдори 35,95%, Fe_2O_3 - 1,75% ва FeO_3 - <0,2% ни ташкил этиши аниқланди. Худди шу тартибда Дауташ конининг Сарикамиш ва Қизил-Байроқ участкаларидан олинган марганецли рудаларнинг ўртача намуналарининг моддий таркиблари ҳам аниқланди. Олинган натижалар диссертацияда батафсил ёритилган.

Диссертациянинг **“Ферроқотишмаларни ишлаб чиқаришда қўллаш учун марганецли рудаларга физик-кимёвий усуллари билан ишлов бериш орқали марганецли композицион концентратларни ажратиб олиш”** деб номланган тўртинчи бобида гравитация ва қуруқ электромагнит сепарация усуллари билан Дауташ конининг марганец таркибли рудаларидан марганецли композицион концентратларни ажратиб олиш натижалари, марганецли рудалар намуналаридан марганецли композицион концентратларни ажратиб олишнинг кимёвий усулларини ҳамда пиро-гидрометаллургик усулларини қўллаш орқали марганецли композицион концентратларни ажратиб олишнинг комбинациялашган усуллари ва уларнинг натижалари келтирилган.

5-расмдаги схемада кўрсатилган концентрацион столда марганецли композицион концентрат олиш мақсадида гравитацион усул билан Дауташ конининг марганецли маъданларидан концентрат намуналарини ажратиб олиш бўйича синовлар ўтказилди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.



5-расм. Марганецли композицион концентратларни гравитацион усулда технологик намунадан ажратиб олишнинг технологик схемаси

2-жадвал

Коксай участкаси рудасидан марганецли композицион концентратларни гравитацион усулда, ўлчами - 0,5 мм 100% бўлган намунасидан ажратиб олиш бўйича тажрибалар натижалари

Бойитиш маҳсулотлари	Унум, %	Микдори, %		Ажратиб олиш, %	
		Mn	Fe	Mn	Fe
Концентрат-1	14,43	44,34	3,33	25,60	38,03
Концентрат-2	3,71	35,0	2,02	5,20	5,94
Ярим маҳсулот-1	6,19	29,10	0,93	7,20	4,56
Ярим маҳсулот -2	47,63	20,97	0,7	39,97	26,42
Шламлар	4,12	17,5	1,23	2,89	4,02
Чиқиндилар	23,92	20	1,11	19,14	21,03
Дастлабки руда	100,00	25,00	1,26	100,00	100,00

Ўтказилган кўплаб синовлардан олинган натижалардан кўриниб турибдики, марганецнинг композицион концентратлари асосий маҳсулот унумининг камлиги билан кондиция доирасида олинади. Шу билан бирга, марганецли композицион концентратнинг энг юқори микдори Коксай участкасида материалнинг ўлчами - 0,5 мм бўлганда олинган, концентратнинг унуми 14,43% бўлганда Mn микдори 44,3% ни ташкил қилиши аниқланди. Сарикамиш участкасида эса марганецли композицион концентратнинг энг юқори микдори материалнинг ўлчами - 0,5 мм, концентрат унуми 17,82% бўлганда Mn микдори 52,0% ни ташкил этди. Қизил Байроқ участкаси бўйича эса марганецни композицион концентратларининг энг юқори микдори материалнинг ўлчами - 0,5 мм,

концентрат унуми эса - 6,13% бўлганда Mn миқдори – 46,5% ни ташкил этиши аниқланди.

Шундай қилиб, марганецни композицион концентратларининг унуми 6,13% дан 17,82% гача ораликда кам чиқиши туфайли гравитация усулини қўллаш фақат комбинацияланган схемаларда қўлланилиши мумкин экан.

Кейинчалик биз марганецни композицион концентратларнинг унумини янада ошириш учун, яъни талаб даражасига чиқариш учун куруқ электромагнит сепарациялаш усулини қўллаш орқали тадқиқот ишларимизни давом эттирдик. Бунинг учун марганецли композицион концентратларни куруқ электромагнит сепарация усулида ажратиб олиш бўйича тадқиқотлар асосан учта Кўксой, Сариқамиш, Қизил-Байроқ участкаларида 138 Т-СМ русумли битта роликли d-100 электромагнит сепараторида олиб борилди (3-жадвал).

3-жадвал

Коксай участкасидаги марганецли руда намунасини 3 А ток кучида электромагнит сепарациялаш натижалари

Номланиши	Унум, %	Миқдори, %	Ажратиб олиш, %	Тадқиқот шартлари
		Mn	Mn	
Концентрат	47,8	27,20	52,00	Ўлчами - 1мм
Чиқиндилар	52,2	22,99	48,00	
Дастлабки руда	100	25,0	100,00	
Концентрат	58,7	27,05	63,61	Ўлчами – 0,5мм
Чиқиндилар	41,3	22	36,39	
Дастлабки руда	100	25,0	100,00	
Концентрат	60,7	28,34	68,85	Ўлчами - 0,315мм
Чиқиндилар	39,3	19,8	31,15	
Дастлабки руда	100	25,0	100,00	
Концентрат	69,9	26,29	73,51	Ўлчами – 0,15мм
Чиқиндилар	30,1	22	26,49	
Дастлабки руда	100	25,0	100,00	

3-жадвалдаги натижаларга кўра, Коксай участкасидаги марганецли рудалар намуналарини куруқ электромагнит сепарациялашда марганецли композицион концентратларнинг ажратиб олиш даражаси ўлчами 1,15 мм бўлган намунада, 3А ток кучида 73,51% гача ортиши аниқланди.


Сўнгра, марганецли композицион концентратларни ажратиб олиш бўйича тадқиқотлар Сариқамиш ва Қизил-Байроқ участкасида, шунингдек, бошланғич намуналарнинг турли ўлчамдаги синфларида ва турли ток кучларида олиб борилди.

Шундай қилиб, ўтказилган экспериментал тадқиқотлардан маълум бўлдики, Дауташ конининг марганецли маъданлари заррачаларининг оптимал ўлчами 0,15 мм ни ташкил қилиши ва марганецли композицион концентратларнинг энг юқори ажратиб олиниши Сариқамиш участкаси маъданида миқдори 40% бўлганда 84,21% ни ташкил қилиши ва унуми 80% ни ташкил этиши аниқланди.

Курук электромагнит сепарация усулини қўллаш Дауташ кони марганецли маъданлари намуналарининг моддий таркибига боғлиқ бўлган марганецнинг кондицион композицион концентратини олиш имконини бермаслиги аниқланди. Шу билан бирга, ток кучининг ортиши концентратдаги асосий компонент миқдорининг ва унумининг ошишига олиб келмаслиги аниқланди.

Олинган тадқиқот натижалари курук электромагнит сепарация усулини қўллаш етарли эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун биз кейинчалик кимёвий усулларни қўллаш орқали Дауташ кони рудаларидан марганецни ажратиш олиш бўйича тадқиқотлар ўтказдик.

Дастлабки марганецли хом ашёни кимёвий парчалаш 6-расмда келтирилган схема бўйича марганецли рудаларни 100°C ҳароратда Қ:С=1:2 нисбатларда агитацион танлаб эритиш ёрдамида 1 соатда сульфат кислотанинг икки хил концентрацияли эритмасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.




6-расм. Дастлабки марганецли хом ашёни кимёвий парчалашнинг (1) схемаси

Тадқиқот натижаларига кўра, синовдан ўтган учта участка бўйича руда намунасининг ўлчами - 0,16 мм бўлганда 15% сульфат кислота эритмасидан фойдаланилганда қимматли компонентларнинг эритмага ўтиш даражаси сезиларли даражада ошганлиги аниқланди. Марганецнинг маҳсулдор эритмага ўтиши Кўксай участкаси бўйича 58,7% ни, Сарикамиш участкаси бўйича 63,2% ни, Қизил-Байроқ участкаси бўйича 68,74% ни ташкил этди.

Кейинчалик ўтказилган кўплаб тадқиқотлар ва адабиётлардаги маълумотларнинг таҳлиллари асосида Дауташ конининг марганецли рудаларидан марганецли композицион концентратларни миқдорини ошириш мақсадида пиро-гидрометаллургик усулни ҳам қўллаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.


Ушбу усул марганец бирикмаларини маҳсулдор эритмага тўлиқ ўтказиш учун технологик жараёнга 750°C ҳароратда кокс иштирокида рудани тикловчи тоблаш жараёни киритилган схемалар бўйича амалга оширилди. Олинган куйинди 100°C ҳароратда Қ:С=1:2 нисбатда 1 соатда

иккита танлаб эритиш агенти ёрдамида парчалаб олинди. Кўксой, Сариқамиш, Қизил-Байроқ участкаларида ўтказилган тажрибаларнинг ўртача натижалари 7-расмларда келтирилган.



7-расм. Кўксой (а), Сариқамиш (б) ва Қизил Байроқ (с) участкаларидан олинган дастлабки намуна кимёвий парчалаш натижалари

Танлаб эритиш натижасида олинган маҳсулдор эритма таркибида асосий элементдан ташқари зарарли аралашмалар ҳам мавжуд. Зарарли аралашмани йўқотиш учун нейтраллаш жараёни ўтказилди. Ушбу операция маҳсулдор эритманинг рН муҳити 8% аммиакли эритма билан белгиланган қийматларга етказилганда ~ 50°C ҳароратда ўтказилди. Эритмани ҳар хил зарарли аралашмалардан тозалаш схемаси 8-расмда келтирилган.



8-расм. Маҳсулдор марганецли композицион концентратни ажратиш олиш схемаси

Шундай қилиб, ўтказилган кўп сонли тажрибалар натижаларига кўра, кимёвий танлаб эритиш усулидан фойдаланиш марганецли бирикмаларни эритмага максимал даражада ўтказиш имконини бермаслигини кўрсатди. Бунда маҳсулдор эритмага максимал даражада ажратиб олиш:

Коксай участкасида дастлабки хомашёнинг ўлчами - 0,15 мм бўлганда ва 10% ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланилганда, % ҳисобида Mn -52,0, 15% ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланилганда, % ҳисобида Mn -58,70;

Сариқамиш участкасида дастлабки хомашёнинг ўлчами - 0,15 мм бўлганда 10% ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланилганда, % да Mn -57,12, 15% ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланилганда, % да Mn - 63,2;

Қизил-Байроқ участкасида дастлабки хомашёнинг ўлчами - 0,15 мм, 10% ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланилганда, % да Mn -57,41, 15% ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланилганда, % да Mn-68,74.

Пиро-гидрометаллургик усулни урта схема ва участкалар бўйича қўллаш натижасида:

Коксай участкасида - 15% ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланганда Mn ўртача 97,20%, эритмадаги ўртача миқдори 12,85 г/л, 15% ли нитрат кислота эритмасидан фойдаланганда Mn ўртача 89,78%, эритмадаги ўртача миқдори 11,22 г/л;

Сариқамиш участкасида - 15% ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланганда Mn ўртача 98,40%, эритмадаги ўртача миқдори 18,69 г/л, 15% ли нитрат кислота эритмасидан фойдаланганда Mn ўртача 16,84 г/л;


Қизил-Байроқ участкасида - 15% ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланилганда Mn ўртача 98,74%, эритмадаги ўртача миқдори 15,16 г/л, 15% ли нитрат кислота эритмасидан фойдаланилганда Mn ўртача 90,17%, эритмадаги ўртача миқдори 13,85 г/л бўлган Mn ни маҳсулдор эритмага ўтказиш имконини берди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар асосида буғлатиш усулидан фойдаланиб, кейин кристаллаш ва қуруқ тузларгача қуриштириш, сўнгра қиздириш орқали таркибида 60-68% Mn бўлган марганецнинг композицион концентратини олиш имконини берди.

Диссертациянинг **“Ишлаб чиқилган марганецли композицион концентратларни ферроқотишмалар ишлаб чиқаришда қўллашнинг амалий ва иқтисодий жиҳатлари”** деб номланган бешинчи бобида марганецли композицион концентратлар асосида ферроқотишмалар олишнинг илмий-услубий тамойилларини ва ферроқотишмалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш натижалари, маҳаллий хомашёлар асосида ферроқотишмалар олиш учун марганецли композицион концентратларнинг **“PROGRESS STANDART”** МЧЖ ва **“Олмалик КМК”** АЖ ишлаб чиқариш шароитларида тажриба-саноат синовларини ўтказиш ва ферроқотишмаларнинг тажриба партиясини ишлаб чиқаришни амалга

ошириш натижалари ҳамда Дауташ конининг марганецли рудаларидан олинган марганецли композицион концентратлар асосида ферроқотишмаларни ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш натижалари батафсил ёритилган.

Марганецли композицион концентратларни қўллаб маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида ферроқотишмалар ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси 9-расмда келтирилган.



9-расм. Дауташ конининг марганецли композицион концентратлари асосида ферроқотишмалар олишнинг технологик схемаси

Марганецли композицион концентратлар ва маҳаллий хомашёлар асосида ферроқотишмалар олиш технологияси, юқорида таъкидланганидек, қуйидаги босқичлардан иборат:

хомашё материалларини тайёрлаш: қуриштиш, майдалаш ва ўлчаши;
шихтани тайёрлаш ва уни руда-термик пичга юклаши;
суюқланмани қуйиш ва чиқариш тизими;
тайёр ферросиликомарганецни олиш.

4-жадвалда маҳаллий хомашёлар асосида марганец микдори юқори бўлган марганецли композицион концентратлар асосида ишлаб чиқилган ферросиликомарганецнинг маркаси ва кимёвий таркиби келтирилган.

4-жадвал

Марганецли композицион концентрат асосида ишлаб чиқилган ферросиликомарганецнинг маркаси ва кимёвий таркиби

Сорт	Масса улуши, %					
	Si	Mn	C	P		S
				A	B	
		Кам бўлмаган	Кўп бўлмаган			
FeSiMn - 17	15-20	65,0	2,5	0,1	0,6	0,02

Дауташ кони рудаларидан марганец концентратини ажратиб олишнинг ишлаб чиқилган комбинацияланган технологияси асосида марганец миқдори юқори бўлган марганецли композицион концентратлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Олинган марганец миқдори юқори бўлган марганецли композицион концентрат энергия ресурсларидан тежамли фойдаланишни таъминлайди ва пўлат конструкцияларнинг чидамлилигини 2-2,5 марта оширади.

“Ўзметкомбинат” АЖ пўлат ишлаб чиқаришда қўллаш учун йилига 10000 тонна ферросиликомарганец ишлаб чиқарилади. Ферроқотишма ишлаб чиқаришда таркибида марганец миқдори юқори бўлган марганецли композицион концентратни жорий этишдан кутилаётган умумий иқтисодий самарадорлик 1 тонна учун 233 000 сўмни, 10 000 тонна учун эса 2 330 000 000 сўмни ташкил этиши аниқланди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган таркибида марганец миқдори юқори бўлган марганецли композицион бойитма ва марганец концентратини ажратиб олишнинг комбинацияланган технологиясини “Олмалиқ КМК” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖда жорий этишдан ва “Ўзметкомбинат” АЖга қиёслашдан олинadиган умумий иқтисодий самарадорлик йилига 2.330.000.000 сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

ХУЛОСА

1. Дауташ кони марганецли рудалари асосан псиломелан-вернадитли ва пиролюзит-псиломелан табиатли минералогик таркибга эга эканлиги аниқланди.

2. Марганец рудаларидан марганец концентратларини ажратиб олишда содир бўладиган кимёвий жараёнлар механизмлари асосланди.

3. Дауташ конининг марганецли рудаларидан марганецли композицион концентратларни ажратиб олишнинг мақбул технологик режимлари ва ресурстежамкор комбинациялашган технологияси ишлаб чиқилди.

4. Дауташ конининг марганецли рудаларини физик-кимёвий усулларда қайта ишлаш орқали таркибида 60-68% Mn бўлган марганецли композицион концентратлар олиш аниқланди.

5. Таркибида марганец миқдори юқори бўлган марганецли композицион концентрат энерго-ресурстежамкор технологиядан фойдаланишни таъминлаши ва пўлат конструкцияларнинг чидамлилигини 2-2,5 марта ошириши аниқланди.

6. Таркибида марганец миқдори юқори бўлган ферроқотишмалар олишнинг ресурстежамкор технологияси ишлаб чиқилди.

7. Ишлаб чиқилган таркибида марганец миқдори юқори бўлган марганецли композицион концентратни қўллаш марганецли композицион концентратларнинг сарфини 1,0-1,2 мартага камайтириши асосланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ТАШКЕНТСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО ТЕХНИЧЕСКОГО
УНИВЕРСИТЕТА имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
«ФАН ВА ТАРАККИЁТ»
ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ТЕХНИЧЕСКОГО
УНИВЕРСИТЕТА имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

ХАКИМОВА ДИЛАФРУЗ ЙУЛДОШБОЙ КИЗИ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ИЗВЛЕЧЕНИЯ
МАРГАНЕЦСОДЕРЖАЩИХ КОМПОЗИЦИОННЫХ
КОНЦЕНТРАТОВ ПУТЕМ ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИХ МЕТОДОВ
ОБРАБОТКИ МАРГАНЕЦСОДЕРЖАЩИХ РУД ДЛЯ
ПРИМЕНЕНИЯ В ПРОИЗВОДСТВЕ ФЕРРОСПЛАВОВ**

**02.00.07-Химия и технология композиционных, лакокрасочных и резиновых
материалов;**

**05.02.01. - Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка материалов давлением. Металлургия
черных, цветных и редких металлов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером **B2024.3.PhD/T4817**.

Диссертация выполнена в Государственном унитарном предприятии «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.gupft.uz и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz.

Научные руководители: **Негматов Сайибжон Садикович**
доктор технических наук, профессор, академик АН РУз,
заслуженный деятель науки РУз

Пирматов Рашид Хусанович
доктор философии (PhD), старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Толибов Бегзод Иброхимович**
доктор технических наук, доцент

Бердиёров Бахриддин Тиловкабулович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **Каршинский инженерно-экономический институт**

Защита диссертации состоится **«19» ноября 2025 года в 14³⁰** часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru, www.gupft.uz, в здании ГУП «Фан ва тараккиёт», 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (Зарегистрированный номером №1-25). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации **разослан «08» ноября 2025 года**
(протокол реестра №1-25 от 7 января 2025 г.).

Т.О. Камолов

Заместитель председателя научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., с.н.с.

М.Э. Икрамова

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., с.н.с.

Н.Х. Талипов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировых металлургических предприятиях с каждым годом растет спрос на марганцевый концентрат, который используется для получения высококачественных конструкционных материалов и улучшения физико-механических и технологических свойств деталей на основе стальных сплавов, повышения их антикоррозионных свойств, эластичности и износостойкости, а также позволяет удешевить себестоимость продукции. В этом аспекте, исследовательские работы по текущему состоянию марганцевых руд месторождения Дауташ, в том числе, определение вещественного и химического состава марганца в руде, разработка способа извлечения марганцевого концентрата, выявление физико-химических свойств марганцевых руд и разработка технологии извлечения марганцевых концентратов из руд имеет важное значение.

Для получения высококачественных конструкционных материалов и деталей на основе стальных сплавов в состав сплава добавляют до 70% легирующего соединения марганца - ферросиликомарганца. В связи с этим, проводятся исследования с целью разработки способа извлечения марганцевого концентрата из марганцевого сырья, определения физико-химических и технологических свойств марганцевых концентратов, разработки эффективной ресурсосберегающей технологии извлечения марганцевых концентратов и их использования для создания нового ассортимента продукции, отвечающей требованиям внутреннего и внешнего рынков. Особое значение в этой связи имеет разработка комбинированной ресурсосберегающей технологии извлечения марганцевого концентрата, которая используется для получения качественных сплавов с высокими физико-механическими и технологическими свойствами.

В республике с целью получения высококачественных стальных сплавов с высокими физико-механическими и технологическими свойствами для повышения производительности и прочности изготавливаемых из них деталей, а также повышения конкурентоспособности продукции, производимой на основе марганцевого концентрата ведутся научные исследования и достигаются определенные результаты. В Стратегии дальнейшего развития Нового Узбекистана сформулированы важные задачи, в частности «... увеличивать объемы производства промышленной продукции, продолжая промышленную политику, направленную на обеспечение стабильности национальной экономики и увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте... »¹. В этом аспекте, в том числе, технология извлечения марганцевого концентрата применяемых при повышении прочности, эластичности и долговечности стальных сплавов, а также разработка ферросплавов на их основе имеет важное значение.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-4731 от 26 мая 2020 года «О дополнительных мерах по расширению производства цветных и драгоценных металлов на базе месторождений АО «Алмалыкский ГМК», №ПП-5159 от 24 июня 2021 года «О дополнительных мерах по развитию горно-металлургической промышленности и смежных отраслей», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

